



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети*

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна

*Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети*

Махкамов Қодиржон Одилжонович

*PhD, катта ўқитувчи
Наманган давлат университети*

Гофоров Шокир Сафарович

*тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный
университет, Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Абдор Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Сандович

*тарих фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат техника университети*

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич

*PhD, доцент
Наманган давлат университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Зухра Арипова МИСРДА МАМЛУКЛАР ДАВРИ (1250-1517) АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ҲОМИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	4
2. Шавкат Амонтурдиев МАРКАЗИЙ ОСИЁ КЎЧМАНЧИ ХАЛҚЛАРИНИНГ СИЁСИЙ БИРЛАШИШИДА ТАБИЙЙ ОМИЛЛАР.....	13
3. Махбуба Баратова КИБЕРМАКОН ШАРОИТА ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШ.....	20
4. Шухрат Бозоров АҲМАД ДОНИШ МАЪРИФАТПАРВАР ВА ЖАМОАТ АРБОБИ.....	29
5. Шавкатжон Жумаханов, Абдуқодир Тошпўлатов МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ.....	35
6. Гулчехра Раҳимова ЎЗБЕКИСТОНДА 1940-1980 ЙИЛЛАРДА САНОАТЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.....	51
7. Алексей Грицина, Комил Раҳимов, Омон Мамиров ЎРТА АСР ХОВОС ОШХОНА ИДИШЛАРИГА ТАВСИФ.....	59
8. Шохжаҳон Рашидов АМИН НИЁЗОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	65
9. Озодбек Раджабов, Ҳамза Қаландаров XIX АСР БРИТАНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА “КАТТА ЎЙИН” МАСАЛАСИ ВА УНИНГ ИНГЛИЗ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЁРИТИЛИШИ.....	72
10. Равшан Сиддиқов ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ (1991-2016 ЙИЛЛАР).....	78
11. Сарвар Қулдашев МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ “ДЕВОНИ ЛУҒОТИ ТУРК” АСАРИДАГИ УНВОН ВА ЛАВОЗИМЛАР ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	91
12. Sadoqat Xo'ja yorova XVIII-XIX ASRLARDAGI ROSSIYA IMPERIYASI VA QO'QON XONLIGI DIPLOMATIC ALOQALARINING TARIXSHUNOSLIKDA YORITILISHI.....	98

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Шохжаҳон Тохир ўғли Рашидов,
Ўзбекистон ФА Тарих институти таянч докторанти
shokhjahnor@inbox.ru

АМИН НИЁЗОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

For citation: Shokhjahnor T.Rashidov, DRAWINGS OF AMIN NIYOZOV'S POLITICAL PORTRAIT. 2020, vol. 8, issue 3, pp.65-71

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-8-8>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон тарихининг XX аср 50-йиллари бошида рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ўзбекистоннинг биринчи сиёсий раҳбари, хусусан, Амин Эрматович Ниёзов фаолияти таҳлил қилинган. Тадқиқотчи 50-йилларда давлат бошқарувининг ўзига хос томонлари, миллий раҳбар кадрлар олдида кўйилган талаблар хақида маълумот берган.

Калит сўзлар. Пахачилик министрлиги, пахтачилик, катағон, грек қочкинлари, Хрушчёв, “партия манфаати”, Марказий Комитетнинг Ўзбекистон бўйича вакили.

Шохжаҳон Тохир ўғли Рашидов,
Докторант институти Истории при АН РУз
shokhjahnor@inbox.ru

ШТРИХИ К ПОЛИТИЧЕСКОМУ ПОРТРЕТУ АМИНА НИЁЗОВА

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются общественно-политические процессы, произошедшие в истории Узбекистана в начале 50-х годов XX века, деятельность первого политического лидера Узбекистана, в частности, Амина Ирматовича Ниязова. Автор предоставил информацию об особенностях государственного управления в 50-х годах, требованиях к национальному лидерству.

Ключевые слова. Министерство хлопководства, хлопководства, репрессий, греческие беженцы, Хрущев, «Интересы партии», представитель ЦК в Узбекистане.

Shokhjahnor T. Rashidov
Doctoral student of the Institute
of History at the AS of Uzbekistan
shokhjahnor@inbox.ru

DRAWINGS OF AMIN NIYOZOV'S POLITICAL PORTRAIT

ABSTRACT

This article analyzes the socio-political processes which is occurred in the history of Uzbekistan in the early 50's of the XX century, the activities of the first political leader of Uzbekistan, particularly, Amin Irmatovich Niyazov. The scientific researcher provided information on the specific features of public administration in the 50's, the requirements for national leadership members.

Index Terms. Ministry of Cotton-growing, cotton-growing, repression, greek refugees, Khrushchev, "Party Interests," Central Committee Representative in Uzbekistan.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон тарихининг XX аср 50 йиллари бир қатор зиддиятли вазиятлар, сиёсий ва мафкуравий жараёнлардаги низоли ҳолатлар, иқтисодий ва ижтимоий жабҳалардаги айрим ўзгаришлар билан характерланади. Ана шундай оғир шароит – марказнинг кучли босими ва назорати остида ишлаган Ўзбекистон биринчи сиёсий раҳбарларининг қизгин ва серкирра фаолиятини ўрганиш, холисона баҳо бериш тарих фани олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистонда миллий раҳбар кадрларнинг янги авлоди шаклланишида бу давр ўзига хос аҳамиятга эга бўлдики, Амин Ниёзов, Нуриддин Муҳитдинов, Собир Камолов ва Шароф Рашидов каби халқ меҳрини қозонган инсонлар айти XX аср 50 йилларининг ижтимоий-сиёсий жараёнларида тобланди, тарбияланди.

2. Тадқиқот методлари:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

1949 йил март ойида Ўзбекистон коммунистик партиясининг X съезди бўлиб ўтди. Съездда ҳал қилувчи овоз билан 503 нафар ҳамда маслаҳат овози билан 153 делегат иштирок этди. Съезд Ўзбекистон КП МКнинг ва Тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини муҳокама қилди. Ушбу съездда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг янги таркиби сайланади. Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон КП МКнинг янги таркибига Амин Ниёзов, Нуриддин Муҳитдинов, Собир Камолов, Шароф Рашидов[1] каби инсонларнинг номлари киритилган эди. Кейинчалик бу шахсларнинг тақдирида турли воқеа ва ҳодисалар рўй берган бўлсада, уларни умумий жиҳат - Ўзбекистон ҳукуматини бошқаришдек масъулиятли вазифа бирлаштириб турарди.

Ўзбекистоннинг XX аср 50-йилларидаги тарихи юқорида номлари келтирилган шахслар билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида 1950-1955 йилларда Аминжон Эрматович Ниёзов, 1955-1957 йилларда Нуриддин Акрамович Муҳитдинов, 1957-1959 йилларда Собир Камолович Камолов, 1959-1983 йилларда Шароф Рашидович Рашидов фаолият кўрсатди [2, Б-77].

1950 йилнинг апрелида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтади. Пленумда 1937-1950 йилларда Ўзбекистон Компартияси биринчи секретари бўлиб ишлаб келган Усмон Юсупов лавозимидан озод этилиб, унинг ўрнига Амин Эрматович Ниёзов тайинланади. Усмон Юсупов республика раҳбарлиги лавозимидан кетгандан кейин, совет раҳбарияти унинг катта ташкилотчилик иқтидори ва қишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачиликдаги бой тажрибасини инобатга олиб, уни СССР пахтачилик министри қилиб тайинлади[3, -Б.23].

Амин Ниёзов Ўзбекистоннинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги тикланиш даврида раҳбарлик қилиб, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди. "Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги тикланиш даврида Ўзбекистонда раҳбар ходимларнинг янги авлоди шаклланди. Мазкур сиёсий элитанинг ёрқин намоёндаларидан бири фарғоналик оддий деҳқоннинг фарзанди Амин Эрматович Ниёзов бўлган". [4, –Б.31]

Амин Ниёзов 1903 йилда Фарғона вилояти Марғилон туманидаги Октепа қишлоғида туғилади. Дастлаб, 1919 йилда Фарғона уезд озик-овқат комитетида меҳнат фаолиятини бошлайди. Худди шу йилда комсомол сафига қабул қилинади. Кўп ўтмай, Фарғона комсомоли уни шаҳар комитетининг секретари этиб сайлайди. А.Ниёзов 1920 йилдан 1930 йилгача турли

совет органларида: Фавкулудда комиссиянинг аъзоси, уезд милициясининг ҳарбий комиссари, Фарғона вилоят Давлат уруғлик фонди бўлимининг мудир, Қўқон шаҳар молия бўлимининг мудир, Фарғона шаҳридаги тўқимачилик қурилиши бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлайди. У ер-сув ислохоти даврида Фарғона вилоятида ислохот ўтказиш комиссиясининг масъул секретари бўлиб ишлади. 1925 йилда ВКП(б)га аъзо бўлиб кирди. 1930-1934 йилларда Москвадаги Сталин номидаги Бутун иттифоқ саноат академиясида таҳсил олди. Шундан сўнг, “Чирчикстрой” деривация каналида бош муҳандис ва участка бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлайди. [5]

1939 йилда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузаридаги Давлат қурилиш назоратининг бош назоратчиси, 1940 йилда Ўзбекистон ССР Молия министри қилиб тайинланади. 1946-1947 йилларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари бўлиб ишлайди. Самарали меҳнат фаолияти, ташкилотчилик сифатлари сабаб, 1950 йил апрелда Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи секретари лавозимига тайинланади.

Амин Эрматович Ниёзовнинг биринчи сиёсий раҳбарликка тайинланиши СССРда кишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўзгаришлар вақтига тўғри келди. Совет ҳукумати пахтачиликни янада ривожлантиришга катта эътибор қаратиб, колхозларни ислоҳ қилишга киришади. Хусусан, 1950 йилнинг 30 май санасида СССР Министрлар Кенгаши ва ВКП(б) МКнинг “Кичик колхозларни бирлаштириш ва бу борада партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида” Қарор қабул қилади.[6, Стр.493] Қарор ижросини таъминлаш мақсадида 1950 йилнинг август ойида Ўзбекистон ССРда 1770 та кичик колхозлар 752 та йирик колхозларга бирлаштирилади. Бунинг натижасида уларда меҳнат қилиб келаётган маъмурий-бошқарув соҳасидаги ишчилар таркибидан 6582 нафари кискартирилади.[6, Стр.494]

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ўша вақтда республика биринчи раҳбарлари қатор қийинчилақлар, жумладан, марказнинг кучли босими, тазйиқи остида фаолият олиб боришга мажбур бўлишади. Айрим ҳолларда республика манфаатларига зид қарорлар қабул қилишга тўғри келади. А.Ниёзов Ўзбекистонга сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилган йилларда мафкуравий жабҳадан ташқари халқ хўжалиги соҳаси, хусусан, пахтачиликда ҳам бир қатор хатоларга йўл қўйилди.[4, -Б.31]

XX аср 50 йилларида Ўзбекистонда сиёсий қатағоннинг яна бир тўлкини бўлиб ўтади. Шу даврда эл суйган ўзбек ёзувчилари, зиёлилари ва шоирларининг яна бир қисми қамокқа олинади. Ўз ижодида “партия манфаатлари”га тўғри келмайдиган жиҳатларни ёритгани сабабли Ойбек, Шайхзода, Миркарим Осим, Миртемир ва бошқа ёзувчилар турли сабабларга кўра айбландилар. “XX асрнинг 50 йиллари аввалида Ўзбекистонда бошланган сиёсий қатағон тарихига назар ташлаган киши шу йилларда қамокқа олинган ёзувчиларнинг миллатчилик ва бошқа гуноҳларда айбланиши Ўзбекистон Компартияси МКнинг бевосита иштирокида бўлганини кўради”.[2, -Б.92]

Ушбу жараёнларга тўхталар экан, 1955-1957 йилларда Ўзбекистон Компартиясининг биринчи секретари бўлиб ишлаган Нуриддин Мухитдинов ўз хотираларида қуйидагиларни маълум қилган: “40 йиллар охирида Марказий Комитетнинг Ўзбекистон бўйича вакили институти жорий этилади. Тошкентга С.Д.Игнатъев – вакил ҳамда унинг аппарати – бир неча ўн кишидан иборат маданият ва жамоат арбоблари етиб келади. Шу вақтларда улар Ўзбекистонда фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратишди. Якунда Игнатъев маълумот тайёрлаб, уни ВКП(б) МК Сиёсий бюросига йўллади”.[7, -Стр.54]

1950 йили Игнатъев томонидан тайёрланган маълумот асосида Ўзбекистон Компартияси МКга хат юборилиб, 60 нафар фан ва маданият намоёндаларига чора кўриш топшириғи берилади. Ушбу рўйхатга киритилганларни “миллатчилик ҳамда партия сиёсати ва давлат манфаатларига қарши фаолият юритганликда”[2,-Б.96] айбланиши. Нуриддин Мухитдинов Амин Ниёзов билан бу масалада суҳбатлашиб, рўйхатдаги зиёлиларни ҳимоя қилиш мақсадида Москвага боради. Кейинчалик Н.Мухитдинов ташаббуси билан рўйхатдаги 60 нафар инсон қатағондан сақлаб қолинади.

Амин Ниёзовнинг ижобий ишларига тўхталар экан, айрим тарихчилар унинг Ўзбекистонга грек миллатига мансуб қочқинларни жойлаштиришдаги ташаббусларини эътироф этишади. 1946-1949 йилларда Греция Демократик армияси таркибидаги грек коммунистларидан ташкил топган ҳарбийлар СССРдан сиёсий бошпана сўрашади. Уларнинг аксарияти 1949 йилда Ўзбекистонга келтирилиб, Тошкент, Чирчиқ, Янгийўлда бунёд этилган 14 та махсус шаҳарчага жойлаштирилади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори билан 175 ўринли 3 та болалар боғчаси, 760 ўринли 12 та ясли ҳамда 60 ўринли болалар уйи қурилади. 1954 йилга келиб 10 182 нафар сиёсий қочқинлар иш билан таъминланади.[8, -Стр.21]

Амин Эрматович Ниёзов асосан республиканинг иқтисодий ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳамда халқ хўжалиги олдидаги давлат режаларини бажаришга ҳаракат қилди. 1950 йил 25 ноябрда Ўзбекистон ССР ВКП(б) Марказий Кенгашига давлат пахта режасини бажарганини маълум қилади. Давлатга 1940 йилга қараганда 50% кўп пахта топширилади.[6, -Стр.495] Пахта ҳосилининг кўпайиши биринчи навбатда экин майдонларининг кенгайиши билан боғлиқ эди. “Пахтачилик – республика қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаси ҳисобланарди. Бу том маънода муҳим соҳа бўлиб, усиз Иттифоқ миқёсида наинки енгил ва озиқ-овқат саноати, ҳатто оғир саноатнинг автомобилсозлик, авиасозлик, элетротехника, кимё, мудофаа сингари соҳалари ҳам ривожлана олмасди. Қисқаси, мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятига кўра, пахта етакчи ўринда турарди. Бунда Ўзбекистон пахтасига талаб катта эди. Иттифоқ саноати учун зарур пахтанинг 60 фоизини Ўзбекистон етказиб берарди”. [9, Б.55]

1951 йилда Ўзбекистон ССРга 1950 йилга нисбатан 500 минг тонна кўп пахта топшириш режаси юкланади. Худди шу йилнинг 4 сентябрида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтади. Унда Амин Ниёзов маъруза қилиб, пахта йиғим теримини сифатли бажариш, қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни бартараф этиш ҳамда пахта териш ишларини уюштириш масалаларига тўхталади: “Ўртоқ Ниёзов пахта териш ишларини уюштириш соҳасидаги конкрет вазифаларга тўхталиб, кечиктириб бўлмайдиган вазифага эътиборни жалб этади. Бу вазифа 1 ноябргача бутун пахта ҳосилининг камида 95 фоизини йиғиштириб олишдан иборат”. [10]

1951 йилда пахта режасини бажаришнинг ўзига хос томони шунда эдики, 1950 йилга қараганда далаларда 2,5 марта кўп машиналар ишлаши белгиланган эди. Бироқ, бу борадаги ташкилий ишлар суст бажарилади. Машиналарнинг аксарияти таъмирдан чиқарилмайди. Мазкур масалаларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Кенгашининг 1951 йилги сентябр пленумида алоҳида таъкидланади.

Ўзбекистон ССР 1951 йил 5 декабригача пахта тайёрлаш режасини 87,1% бажаради. Бу ўтган йилгига нисбатан кўп бўлишига қарамай, И.В.Сталиннинг 8 декабрдаги қарори билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари А.Ниёзов ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н.Муҳитдиновга хайфсан эълон қилинади. Бунга “пахта хом ашёсини топширишга қоникарсиз раҳбарлик қилганлари” сабаб сифатида кўрсатилади. Бироқ орадан кўп ўтмай, 1952 йил 9 февралда Сталиннинг ўзи бу жазоларни бекор қилади [11, -Б.73-74].

1952 йил февралда Ўзбекистон Компартиясининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтади. Унда 1951 йил якунлари танқидий баҳоланади, пахтачилик соҳасида камчиликларга йўл қўйган раҳбарлар қаттиқ огоҳлантирилади. Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича Совет Иттифоқининг асосий базасига айланган эди. Шу сабаб, Ўзбекистон ССР раҳбарияти олдида пахта етиштириш масаласига жиддий ёндашиш, бу борадаги вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш буюрилади. 1952 йил феврал ойи охирида Ўзбекистон пахтакорларининг VIII қурултойи бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси Н.А.Муҳитдинов, Ўзбекистон Компартияси биринчи секретари Амин Ниёзовлар маъруза қилиб, пахтачиликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишади.

1952 йил 20-23 сентябр кунлари Ўзбекистон Компартиясининг XI съезди чақирилади. Унда ҳисобот маърузаси билан Амин Эрматович Ниёзов сўзга чиқади. Маърузада

Ўзбекистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, пахтачилик соҳасида эришилган натижа ва камчиликларни санаб ўтади. Шунингдек, аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий жабҳалардаги масалаларга эътибор қаратади. Съездда А.Ниёзов мактаб таълимидаги камчиликларни танқид қилади: “Бир қанча қишлоқ ўрта мактабларида муҳим фанларни ўқитиш иши яхши ташкил қилинмаган. Ўқувчилар ўқув дастурининг тўла ҳажмида чуқур ва мустақкам билим олмайдилар. Бу ҳол уларнинг олий мактабларга киришларига жиддий тўсқинлик қилмоқда. Ўқув кўргазмалари курашларни тайёрлаш ва босиб чиқариш ишлари қониқарсиз уюштирилган, ўрта мактаблар учун тузилган дарсликларда ва дастурларда жиддий хатоликларга йўл қўйилган” [12].

Ўша вақтда Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари сони 38 тага етади. Олий ўқув юртларида 1949 йилда 30 минг талаба ўқиган бўлса, 1952 йилга келиб уларнинг сони 35 мингга ташкил этган. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, 1948-1949 ўқув йилида олий таълим муассасаларида 7300 нафар ўзбеклар таҳсил олган бўлса, 1951-1952 йилларда уларнинг сони 13200 нафарга етади. [12]

СССР Министрлар Совети томонидан 1952 йил февралда Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш, капитал қурилиш, халқ маорифи ишларини яхшилаш тўғрисида ва бошқа қарорлар қабул қилинди. Н.Муҳитдиновнинг ўз хотираларида ёзишича, бу қарорлар асосида Ўзбекистонга 1952 йили 600 та “Универсал” трактори, 15140 та сихмола, 2150 та культиватор, 1321 та сеялка, 2772 та плуг, 114 та экскаватор, 300 та электромотор, 225 000 тонна аммиак селитраси, 300 000 тонна суперфосфат ўғитлари, 50 000 м³ ёғоч, 20 000 м² сим тўр ҳамда бошқа қурилиш жиҳозлари, саноат моллари ва ускуналар ажратилди. 1952 йилдаги қидирув ва лойиҳа ишлари рўйхатига Андижонда автомобиль таъмирлаш заводи, Бухорода дизель электростанцияси, Наманганда 3-гидроэлектростанция, Қаршида иссиқлик электростанцияси, Самарқанд, Чирчиқ, Наманган ва Марғилонда қувурли сув тармоқлари, Чирчиқда канализация, Нукусда Министрлар Советининг уйи, Тошкентда Пахтакорлар уйи ва Ботаника боғи ҳамда бошқа объектлар қурилиши киритилиб, улар тасдиқланди ҳамда тез орада қуриб битказилди [11, -Б.73-74].

1953 йил 5 мартда Сталин вафот этади ҳамда мамлакатда бирор шахснинг ҳокимиятга келишида легитим йўлнинг мавжуд эмаслиги сабаб ҳокимият учун ички кураш бошланади. Фақатгина 1953 йилнинг октябрига келиб Н.Хрушчёв КПСС МК биринчи секретарлигига сайланиши билан ҳокимият учун кечган курашлар қисман якунланади.

Қайд этиш лозимки, Н.Хрушчёв биринчи секретар сифатида иш бошлаган илк кунларданок, ўзининг сиёсий рақиблари ҳамда Сталин даврида ҳокимиятга келган бошқа раҳбарларга қарши кураш бошлайди. Марказда кечган бу жараёнлар республикалар хусусан, Ўзбекистон раҳбарлари сиёсий карерасида ҳам ўз аксини топади. Усмон Юсупов, кейинчалик Амин Ниёзовнинг ҳукуматдаги масъул раҳбарлик фаолиятлари якунланишига айнан шу омил сабаб бўлади.

1954 йил февралда СССР Министрлар Кенгаши ҳамда КПСС МК “1954-1958 йилларда Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантириш масалалари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинади. Мазкур Қарор Ўзбекистонда пахтачилик соҳасини зўр бериб ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Кўпгина соҳаларда бўлгани каби, пахта етиштиришда ҳам ҳар йили янги марралар, рекордларни забт этиш керак эди. “Амин Ниёзов Хрушчёв тарафдорларини кескин танқид қилиб, кўпгина соҳаларда бўлгани каби пахта етиштиришда ҳам янги рекордлар учун ҳаракат қилиш ножоиз эканлигини уқтиради. Ниёзов мазкур ҳодиса республика экологиясига ўнглаб бўлмас зарар етказишини таъкидлаб, Ўзбекистонда пахтани қайта ишлаш саноатини тараққий эттириш лозимлигини тақлиф қилади”.[8, -Стр.22] Кейинчалик Орол денгизининг қуриб кетиш жараёни бошланганда Амин Ниёзовнинг қанчалик ҳақ бўлганини таъкидлаш ўринли.

Н.Хрушчёв 1954 йил ноябрда Тошкентга ташриф буюриб, пахтачилик соҳасини ривожлантириш масалаларини кун тартибига қўяди. Қайд этиш лозимки, бу СССР раҳбарларининг биринчи бор Ўзбекистонга келиши эди. Н.Хрушчёв Ўзбекистонда пахтачилик соҳаси мутахассислари билан учрашиб, пахтани етиштириш, териб олишдаги муаммоларга

этибор қаратади. Хусусан, пахтани асосан қўлда теририлишини танқид қилади ва АҚШдаги мазкур жараён ҳақида маълумот сўрайди. Яъни, 1950 йиллар ўрталарида АҚШда Жон Дир фирмаси томонидан пахта териш машиналарининг такомиллаштирилиши натижасида қўл меҳнатига бутунлай барҳам берилгани, Иттифоқда эса ҳали ҳам пахтани теришда асосан қўл меҳнатидан фойдаланилаётганига этибор қаратади.

1955 йил 19 декабрда Хрушчёв Тошкентга иккинчи бор ташриф буюради. Н.С.Хрушчёв ва Н.А.Булганинни (СССР Министрлар Совети раиси) Тошкент меҳнаткашларидан 500 минг киши кутиб олди.[13] Бу ерда Н.Хрушчёв Қишлоқ хўжалик илғорларининг республика кенгашида иштирок этади. Юқоридаги 2 ташриф том маънода Амин Ниёзовнинг республика раҳбарлигидан кетишига замин ҳозирлаган эди. Биринчидан, Хрушчёв Амин Ниёзовни Сталин давридаги одамлардан деб ҳисобларди. Иккинчидан, пахта етиштириш масаласида Амин Ниёзов томонидан Хрушчёв тарафдорларининг танқид қилиниши КПСС МК биринчи секретарига маъқул келмаган эди. 1955 йил 22 декабрда бўлган Ўзбекистон Компартияси МКнинг пленумида А.Ниёзов лавозимидан озод қилиниб, бу лавозимга Нуриддин Муҳитдинов сайланди. А.Ниёзов бу пайтда 52 ёшда бўлиб, у 1956-1957 йилларда Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министри, 1957-1960 йилларда ЎзССР Министрлар Совети Газ ва коммунал хўжалик бош бошқармаси бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатади. [4, -Б.31]

4. Хулосалар:

XX аср 50 йилларида Ўзбекистон раҳбари сифатида бир қатор иқтидорли, ташаббускор инсонлар меҳнат қилди. Улар том маънода давлат ва партия хизматчиси эди. Шу сабаб, раҳбарлар фаолиятига баҳо берганда давр нуқтаи назаридан ёндашиш, совет тузуми талабларини унутмаслик зарур. Амин Ниёзов ҳам коммунистик мафкура имкон берган даражада республика манфаатларига хизмат қилишга ҳаракат қилди. Бу даврда Ўзбекистонга раҳбарлик қилган инсонлар қандай қийинчиликларга дуч келганини тасаввур қилиш учун айрим жиҳатларга тўхталиш лозим. Биринчидан, Ўзбекистоннинг биринчи сиёсий раҳбарлари ўз фаолиятида мустақил эмас, Москванинг доимий назоратида эдилар. Иккинчидан, Совет ҳукумати республика раҳбарларидан давлат режасини тезлатиб бажаришни мунтазам талаб қилишган. Бундай босим остида иш юритиш раҳбарларнинг ижтимоий-руҳий ва жисмоний ҳолатига салбий таъсир қилган. Учинчидан, Марказ томонидан бериладиган аксарият топшириқларда республикаларнинг ўзига хос миллий ва географик хусусиятлари инобатга олинмаган. Республика раҳбарларининг таклиф ва мулоҳазалари кўп ҳолларда инобатга олинмаган.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Қизил Ўзбекистон, 1949 йил, 5 март. (Red Uzbekistan, 1949 year, March 5)
2. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Иккинчи китоб. 1939 – 1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. –Тошкент: “O`zbekiston”, 2019. (History of Uzbekistan (1917-1991 years). Two books. Second book. 1939-1991 years. Responsible redactors: R.Abdullaev, M.Rakhimov, K.Rajabov. –Tashkent: “O`zbekiston”, 2019)
3. Пасилов Б. Усмон Юсупов. – Тошкент.: “Ilm-ziyo-zakovat”, 2019. (Pasilov B. Usman Yusupov. –Tashkent: “Ilm-ziyo-zakovat”, 2019)
4. Ражабов Қ., Бунёдкорлик (А.Ниёзов фаолиятига чизгилар) // “Muhofaza +”. 2019. № 3. (Rajabov K. Creativity. (Drawings of activity of A.Niyazov)
5. Қизил Ўзбекистон, 1950 йил 1 март. (Red Uzbekistan, 1950 year, March 1)
6. Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. –Ташкент: “Узбекистан”, 1974. (Essays on the history of the Communist Party of Uzbekistan. –Tashkent: “Uzbekistan”, 1974)
7. Муҳитдинов Н. Река времени (От Слатина до Горбачёва). Воспоминания. – Москва: Рустипости, 1995. (Mukhitdinov N. River of time (From Stalin to Gorbachev). Memories. –Moscow: Rusti-Rosti, 1995.

8. Шигабдинов Р. Амин Ниязов. – Тошкент.: “Илм-зиyo-zakovat”, 2019. (Shigabdinov R. Amin Niyazov. –Tashkent: “Ilm-ziyo-zakovat”, 2019.)
9. Раззоков Ф. Шароф Рашидов: ҳаёт ва мамот. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2020. –Б.55. (Razzakov F. Sharof Rashidov: Life and death. –Tashkent: “Uzbekistan”, 2020. –P. 55.)
10. Қизил Ўзбекистон, 1951 йил 4 сентябр. (Red Uzbekistan, 1951 year, September 4)
11. Мухитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. (Mukhitdinov M. Years spent in the Kremlin. –Tashkent: “Uzbekistan”, 1995)
12. Қизил Ўзбекистон, 1952 йил 23 сентябр. (Red Uzbekistan, 1951 year, September 23)
13. Қизил Ўзбекистон, 1955 йил 20 декабр. (Red Uzbekistan, 1951 year, December 20)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 8

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000